

Ҳар беморликдан шифо



08:45 / 04.12.2024 962

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган жуда осон ва қисқа бир дуо бор. У зот қуйидаги дуонинг улкан фойдасини ҳам айтганлар:

????????? ?????? ?????????????? ?????? ??????????????

????????????? ?????? ??????????????

«Улуғ арш Эгаси бўлган буюк Аллоҳ таолодан сенга шифо беришини сўрайман».

Имом Абу Довуд ривояти.

Ҳадиси шарифда келадикки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси бир мусулмон бемор биродарини зиёрат қилиб, етти марта ушбу дуони ўқиса, агар ўша беморнинг ажали етмаган бўлса, албатта, бу дуо баракотидан Аллоҳ таоло унга шифо беради. Лекин ажали етган бўлса, уни ҳеч ким қайтара олмайди», деганлар.

Имом Термизий ривояти.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/ 2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/ 1912-рақамли хулосалари

асосида чоп этилди.